

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

2016 йил 8 ноябрь • сешанба № 44 (1040)

4 декабрь — сайлов куни!

Маҳалланинг сайлов жараёнидаги иштироки



ЖОРИЙ йил 5 ноябрь куни Республика матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Видеоконференцада шаклида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси А.Арипов фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари, мамлакатимизда демократик стандартларга мос сайлов тизими яратилганлиги ва ислохотларнинг тўб моҳияти бора-бора маъруза қилди.

Тадбирда жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларнинг замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб борилиши натижасида бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд вазифалар му-



вафакатли бажариб келинаётганлиги, маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланаётганлиги, шунингдек, уларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарали олиб борилаётганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури

ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, жамиятнинг янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширилиши билан ҳам узвий боғлиқ. Шу боис сайлов жараёнининг барча босқичларидан сайловчилар хабар-

дор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Бу эса уларнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлақонли рияз этишлари ва сайлов куни ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларини таъминлайди.

Бугунги кунда юқорида зикр этилган Дастур доирасида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан аҳолининг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, уларнинг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда "Мен шахсан ўзим овоз бераман", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз", "Менинг овозим Ватан келажагига дахлдор", "Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?" деган мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик комиссияларининг ўрни, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти ва аҳамияти, участка сайлов комиссиялари ишнинг самарали ташкил этишда маҳалла фаолларининг роли, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш даврида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича маҳаллаларда тарғибот тадбирларини аҳоли ўртасида, оилаларда изчил давом эттириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш бўйича тарғибот ишларининг изчил олиб борилиши уларнинг ўз овози давлатимиз ва жамиятимизнинг келгуси тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканликларини англаб етишларига хизмат қилиши эътироф этилди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази

Сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти

Ўтказиладиган тарғибот тадбирларининг сифатига боғлиқ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи, Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш котиби Алижон ОЧИЛОВ билан суҳбат

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида, шу билан бирга, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9378 та, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди.

Сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, сайлов бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асосида ўтиши кўп жиҳатдан фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига, уларнинг фаоллиги ва фуқаролик бурчини чуқур англашига боғлиқ. Қуйида бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилади.

— Сайловчиларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак бўлса, улар ушбу сиёсий жараёнда онгли равишда ёндашади, ўз овози давлатнинг ва жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эканини тушуниб етди, — дейди Алижон Очилов. — Шу мақсадни рўёб-

га чиқариш учун 2016 йилнинг 7 октябрида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастурини тасдиқлаган эди. Мазкур дастур-

да аҳоли ўртасида миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, ушбу Қонунга кейинги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорлари мазмун-мо-

ҳияти ҳамда сайловчиларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилгани билан аҳамиятлидир.

Шу кунларда ушбу дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, сайловга оид оммабон

рисола ва флаерлар тайёрланиб, тарқатилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари" тўплами чоп этилиб, жойларга етказилди.



Юзма-юз

Ёшлар — Ватан таянчи, суянчи, эртанги кунимиз эгаси!

МАЪЛУМКИ, Адлия вазирлигининг 2015 йил 14 декабрдаги буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда бажарилиши юзасидан назорат режа тасдиқланган эди.

Мазкур йўналиш бўйича вазирликнинг адлия органлари ва муассасалари ходимларига "Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги"ни ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада ошириш ва қонунийликни мустақамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниши мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, бу масалани ўз ҳаёт тарзининг бир қисми, деб билган халқ ўз-ўзидан мустақил-

ликни мустақамлашда эзгу саъй-ҳаракатларини амалга оширади. "Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги" доирасида бу масалага жалб этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мактаб, академик лицей, коллеж ва олий таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва суд идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасига масъул ходимларининг рўйхати тўлиқ шакллантирилди.

4 декабрь — сайлов куни!

Сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясининг муҳим босқичи

МАЪЛУМКИ, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири — бу сайловолди ташвиқоти санада. Чунки айнан ушбу босқичда Президентликка номзодлар, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан сайловчиларни таништиришлар ҳамда ушбу жараёнининг нақодар фаол ва самарали ташкил этилганидан келиб чиқиб тегишли овозга эга бўладилар. Шу маънода, сайлов жараёни иштирокчиларининг, айниқса, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти борасида қонуларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан яхши хабардор бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Сайловолди ташвиқоти, биринчидан, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намойиш қилишга, иккинчидан, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидagi режалари билан яқиндан таништиришга, учинчидан, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишontiришга қаратилган муҳим восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тадбирнинг тенг, адолатли, очик ва ошкоралик асосида олиб борилишини тўла қафолатлайди.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ва бошқа қонуларда сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-таъаблар мустаҳкамланган.

Хусусан, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрсатилган номзодларни ёки ҳокимиятнинг вакиллик органларига қўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга асосан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида”ги Қонунга киритилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар сайловолди ташвиқотининг моҳияти ва аҳамияти, турлари, шакллари кенг ёритиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрсатилган номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб боришда ҳуқуқий қафолатларини янада кучайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди муваффақиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири — бу сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг тўғри усулларини танлай билишдир. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари мустаҳкамланган. Унга қўра, сайловолди ташвиқоти Президентликка номзоднинг дастури, сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, омма олдига мунозаралар, бахслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг ййгилишлари, номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш тарзида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситалари ниятда муҳим ўрин тутди. Шу боис, қонунчиликда бу борада Президентлик ва депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида, сайловолди ташвиқотининг оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилиши қафолатланган.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча номзодлар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларида фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайловолди ташвиқоти юритишга оид қонун нормалари ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида ва талаблари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва ҳалқимизнинг миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакилларини орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун тенг шароитларни қафолатлайди.

Камола АЛИЕВА,
ТДЮУ ўқитувчиси

Сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти

Ўтказиладиган тарғибот тадбирларининг сифатига боғлиқ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

— Сайловчиларнинг сайловолди билимларини юксалтиришда аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот тадбирларининг ҳам ўрни бекиёс. Бу бўйича қилинаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Ҳисоб-китобларга қўра, ҳозирга қадар жойларда ўн икки мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирларнинг аксарияти мамлакатимизнинг чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларида ташкил этилаётган бўлиб, улар учрашув, давра суҳбати ва семинар шаклида амалга оширилаётгани учун ҳам сайловчилар билан юзма-юз суҳбатлашляпти.

Шу билан бирга, ушбу тадбирларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларда қатнашаётган сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассис ва ҳуқуқшунослардан жавоб олмақда. Бу, ўз навбатида, сайлов куни сайловчилар томонидан қонунбузилиш ҳолатлари содир этилишининг олдини олади. Масалан, шу йилнинг 21 октябрда Тошкент шаҳрида Марказий сайлов комиссияси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик мавзусига бағишланган амалий семинар ўтказилгани ҳам юқоридаги мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўзига хос

ўрни бор, албатта. Сайловга тайёгарлик қўриш жараёнида ОАВ имкониятларидан қай даражада фойдаланилмоқда?

— Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан бу сафарги сайлов жараёнини ёритишга бўлган қизиқ кучли эканини алоҳида таъкидлаш керак. Буни ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 нафардан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари қарийб 560 нафар маҳаллий журналистнинг аккредитациядан ўтказгани ҳам тасдиқлаб турибди.

“Ўзбекистон” телерадиоканалида ҳафтанинг шанба кунлари “Сайлов — демократия кўзгуси” номли қўрсатув ўзбек ва рус тилларида, “Марказий сайлов комиссияси хабарлари” номли қўрсатув эса ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ва жума кунлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари, мавзуга оид қўрсатувлар Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва “UzreportTV” томонидан ҳам тайёрланиб, эфирга узатилмоқда. Шунингдек, ассоциацияга аъзо нодавлат радиостанциялар сайловчилар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган 85 та радио-викторина ва савол-жавоб ўтказди.

Шунингдек, сайлов жараёнилари билан боғлиқ ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги 800 дан ортиқ интервью, хабар, фото ва видеоматериал www.elections.uz расмий веб-сайтга жойлаштирилган.

Хорижий мамлакатларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнига бўлган қизиқ кундан-кунга ортиб бормоқда. Буни чет эллардаги оммавий ахборот воситаларида 793 дан ортиқ мақола ва материал эълон қилингани ҳам тасдиқлаб турибди.

— Кўп миллатли ва эллати халқимиз. Тарғибот тадбирларини ўтказишда юқоридаги жиҳатлар ҳам ҳисобга олинаётими?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари бир оиладек яшаб келмоқда. Шуни ҳисобга олиб, “Ягона оилада — В семье единой” шiori остида Ўзбекистон фуқаролари миллати, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканини, миллатлараро тотувлик жамиятдаги барқарорликнинг бош омил бўлаётганини тушунтиришга қаратилган учрашув, ОАВда чиқишлар ҳам ташкил этилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон миллий телерадиоканалида ҳар ҳафтанинг жума кунлари “Дидар”, “Рангинкамон”, “Наўпир”, “Чинсен” (қозоқ, тожик, қорақалпоқ ва қорейс тилларида), чоршанба кунлари (ойда икки марта) “Ягона оилада”, “Ўзбекистон — умумий уйимиз” қўрсатувлари, сешанба кунлари эса миллий-маданий марказлар фаолияти ҳақида радиоэшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

— Дастурда хотин-қизлар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ёшлар, шу жумладан, биринчи мартаба овоз берувчи фуқаролар ўртасида самарали тарғибот-таш-

виқот ишларини ташкил этиш белгиланган. Мазкур йўналишдаги ишлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Дастур асосида хотин-қизлар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ёшлар, шу жумладан, биринчи мартаба овоз берувчи фуқаролар ўртасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, сайловда биринчи марта қатнашаётган йигит-қизларнинг сайловга оид билимларини юксалтириш масаласига бу борадаги устувор вазибалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги ахборот ва мураббийлик соатларида, маънавият кунларида ўқувчи ва талабаларга сайловга оид қонун ҳужжатлари, сайловда овоз бериш қоидалари тушунтирилмоқда.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун Президент сайловининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш юзасидан 4 соатга мўлжалланган махсус курс ўқув дастури тайёрланди. У асосида 1637 та таълим муассасасидаги ўқув дастурларига “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзунда машғулотлар олиб боририлмоқда.

Шу ўринда Мудофаа вазирлиги тизимида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Мамлакатимиздаги ҳарбий округ, гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисм ва муассасаларда сайлов бурчлари ташкил этилиб, шахсий таркиб иш-

тирокида ўқув-услубий семинарлар, ўқув-машғулотлари уюштирилмоқда. Ушбу тадбирлар “Ватанпарвар” газетаси ва “Ёшлар” телерадиоканалида намойиш этиладиган шу номдаги қўрсатувда кенг ёритилмоқда.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчиларнинг ижтимоий фаоллигини ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш бўйича эса сўровлар ўтказилмоқда.

Юқоридаги дастур асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ёшлар учун “Менинг овозим — Ватаним келажаги”, аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш учун “Мен шахсан ўзим овоз бераман”, “Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз”, “Сайловчилар рўйхатида бормисиз?” каби акциялар ҳам ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёгарлик қўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган сайҳаракатлар, Президент сайловининг Конституция ва қонуларимиз, сайлов бўйича ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асосида ўтишига хизмат қилади.

Маъмуржон ПАРПИЕВ
суҳбатлашди.

Ёшлар — Ватан таянчи, суянчи, эртанги кунимиз эгаси!

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мақсади ва мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида Республика тарғибот гуруҳи ташкил этилди. Ҳудудий ва республика ўқув семинарларининг концепцияси, дастури тасдиқланди.

Режаларга мувофиқ 1-24 март кунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасига масъул ходимлар учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Шунингдек, вазирлик томонидан тайёрланган тарғибот материаллари ўқув семинарлари жараёнида иштирокчиларга хизматда фойдаланиш учун тарқатилди.

Бу каби тадбирлар ҳозирги кунда ҳам туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилмоқда.

Масъул идоралар билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирларда фойдаланиш учун тарғибот материаллари (маъруза матнлари, тақдиротлар, тарқатма материаллар, кўргазмалар тарғибот воситалари) тайёрланди. Хусусан: “Ёшлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир”, “Ёшларга доир қонунчилик: тақомил сари”, “Имтиёзлар ва уларни қўллаш”, “Ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти сифатида”, “Хотин-қизлар — доимий эътиборнинг олдидан”, “Ёшлар ва сайлов ҳуқуқлари”, “Ёшлар ва ижтимоий ҳуқуқлар: юксалиш сари”, “Ёшлар бандлиги — доимий эътиборда” ва “Ёшлар ва интернет” мавзуси бўйича материаллар матни Ички ишлар вазирлиги ва Адлия органларига;

“Аёл ҳуқуқи ҳимояси долзарблиги хусусида”, “Бахт қалити оилада”, “Оилада во-

яга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари”, “Ота-онанинг фарзандни моддий ва маънавий таъминлашдек энг улғу ва шарафли масъулияти”, “Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида”, “Никоҳдан ажралиш ҳолатлари жамиятдаги салбий қўрсаткичдир” мавзуси бўйича материаллар матни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига;

“Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Оила кодекслари”, “Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар мавзуси бўйича материаллар матни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборилди.

Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва қурашган, “мустақиллик”, деган бебаҳо неъматнинг қадри-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг тўб моҳияти ва аҳамиятини кенг аҳолига етказиш, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англатиш, уларни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида турком тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Мустиқиллик моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан 10 716 та тарғибот тадбири ўтказилиб, 361 таси телевидение орқали эфирга узатилди.

Жумладан, Тошкент давлат юридик университетида июнь ойида “Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Шунингдек, “Тадбиркорлар телеклуби” теле-шоу қўрсатувида мамлакатимиз иқтисодийотидаги ислохотлар ва фермерлик ҳаракатининг бугунги имкониятлари хусусида бир неча бор чиқишлар қилинди.

Адлия вазирлиги ва ҳудудий органлари расмий веб-



Ёшларга қанот бўлмоқда

Республикамиз миқёсида “Ҳуқуқий саводхонлик ойлари”нинг ўтказиладиганини газетанинг телевидение орқали қўзғатиб бораёмиз. Бу каби тадбирлар биз ёшларнинг интеллектуал салоҳиятимизни янада юксалтиришга хизмат қилади. Ҳуқуқий саводхонлигимизни оширади. Тадбирлар орқали юртимизда бўлаётган муҳим сиёсий жараёнлар билан ҳам яқиндан танишиб бораёмиз. Келгусида бу каби тарғибот тадбирлари янада кўлаб ташкил этилиши биз ёшлар учун фойдали бўларди, деб ҳисоблаймиз. Албатта, юртимиз тараққиёти йўлида биз ёшлар устозларимиз айтгани каби қатта кучмиз. Мустиқиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида янада жипслашишимиз керак, деб ўйлаймиз.

Нозигул ва Моҳиғул,
Чилонзор тумани 90-мактаб 9-синф ўқувчилари

сайтларида ташкил этилган “Мустиқилликка 25 йил” номли махсус саҳифа орқали, Адлия органларининг тарихи, истиқлол йилларида амалга оширилган ишларни ёритишга доир материаллар жойлаштирилди.

Шу билан бирга, “Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним”, деган гоғина ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ихросини амалга ошириш бўйича Адлия вазирлигининг тармоқ дастури қабул қилиниб, ихроси самарали таъминланмоқда.

Ушбу Дастур доирасида июль ойида барча ҳудудларда “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзусида ҳуқуқий саводхонлик ойлари ўтказилиб, 134 мартаба давра суҳбати ва учрашув, 62 мартаба ОАВда ҳуқуқий тар-

ғибот тадбири ташкил қилинди.

“Мустиқиллик — ҳуқуқ демократия” шiori остидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлари доирасида эса 145 та тарғибот тадбири ташкил этилди.

Тадбирларнинг 48 таси оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиб, 8 та қўрсатув ва 16 та эшиттириш эфирга узатилди, 8 та мақола газетаси ва журналларда эълон қилиниб, 16 та материал расмий веб-сайтларга жойлаштирилди. 83 та оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбиридан 29 та давра суҳбати, 14 та семинар, 1 та илмий конференция ўтказилиб, 39 та маъруза ўқилди ва 14 та кўргазмалар тарғибот намойиш этилиб, тадбирларда 7 258 нафар тингловчининг иштироки таъминланди.

Бундан ташқари, ҳуқуқий саводхонлик ойлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига

тайёгарлик қўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бора-сида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан сайловчи-лар хабардорлигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини янада ошириш бўйича оммавий ахборот воситалари учун 60 дан ортиқ тайёрланган мақолалар марказий босма ОАВда эълон қилиб боририлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлови тўғрисида”ги Қонун (Ўзбек ва рус тилларида) 20 000 нускада, “Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари” тўплами эса (Ўзбек ва рус тилларида) 10 000 нускада “Ўзбекистон” нашриёти томонидан нашр этилди.

Шунингдек, Адлия органларига ҳуқуқий тарғибот тадбирларида фойдаланиш учун

78 та сайлов мавзуси бўйича маъруза ва тақдиротлар юборилди.

Бугунги кунга қадар жойларда жами 13630 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ўтказилиб, уларнинг 1816 таси оммавий ахборот воситалари (260 та телевидениеда қўрсатув, 316 та радио орқали эшиттириш ва 1240 та мақола ҳамда материаллар газетаси, журнал ва веб-сайтларда эълон қилиниб, жойлаштирилди) орқали, 11814 таси эса учрашув, давра суҳбати ва семинар шаклида ташкил этилди.

Жумладан, 26 октябр кунини “Қамолот” ЁИХнинг Бакичи туман Кенгаши томонидан Чинобод Қурилиш касб-хунар коллежида “Ҳуқуқий саводхонлик ойлари” доирасида ёшларнинг сайлов маданияти даражасини ҳамда фаоллигини ошириш учун “Менинг овозим — Ватаним келажаги” акциялари ташкил этилиб, “Мен сайловда биринчи бор иштирок этаман” мавзусида ўқувчи-ёшлар билан давра суҳбати ўтказилди.

22 октябр кунини “Қамолот” ЁИХнинг Бухоро вилоят Кенгаши томонидан 3-Бухоро сайлов округи мажлислар залида “Бухоро ёшлари” газетаси, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустиқил институтини вилоят ҳудудий бўлинмаси, 3-Бухоро сайлов округи ҳамкорлигида давра суҳбати ва ёшлар дискуссияси бўлиб ўтди. Тадбирда “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги қонун ихроси, ёшларнинг, хусусан, биринчи марта овоз бераётган фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқий билимларини оширишнинг аҳамияти ва Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнида ёшлар ўрни тўғрисида батафсил тўхталиб, ёшлар билан “Мен ўз овозимга эзим эгаман”, “Менинг овозим — юртим келажаги равақига хизмат қилади” мавзусида дискуссия уюштирилди. Мазкур тадбирлар юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА,
“Инсон ва қонун”
мухбири

Хавотир

БУГУНГИ кунда telegram мессенджери интернет фойдаланувчиларни ўзига тобора жалб қилиб бораётган ахборот дастури ҳисобланади.

Мазкур дастур турли хил форматдаги матнли хабарлар ва медиафайллари ўзаро алмашиш имкониятини беради. У дастлаб 2013 йил августда ишга туширилган. Маълумотларга кўра, ҳозирда мессенджернинг 100 миллиондан ортиқ фойдаланувчиси бор. Телеграм орқали миллиардга яқин хабарлар, медиафайллар жўнатилади.

2015 йилнинг сентябрь ойида мессенджерда чекланмаган сондаги обуначилар учун хабарлар, медиафайллар жўнатиш имкониятини берувчи каналлар — чатлар очила бошланди. Канални интернетдаги янгилик лентаси ва блогга ўшаб кетадиган ахборот тарқатиш воситаси дейиш мумкин. Каналда тескари алоқа қилиш иложсиз, фақат жўнатиш хабарни қанча киши томоша қилганини билса бўлади.

Мессенджернинг фуқароларини, айниқса, ёшларини маънавиятига, алаҳқусус, барқарорлигимизга таҳдиди эҳтимолини ўрганиш мақсадига айрим каналларда тарқатилётган маълумотлар ўрганилди.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистонда мессенджер фойдаланувчилари ўртасида канал юритиш оммалашиб бормоқда.

Мессенджернинг шахслари ўзига кўпроқ жалб қилиш омиллари сифатида у орқали нафақат ўқиладиган, балки эшитиладиган, томоша қилинадиган маълумотларни тезкор суратларда жўнатишини кўрсатиш мумкин.

Мессенджерда республикамизнинг бир қатор юридик ва жисмоний шахслари, жумладан, оммавий ахборот воситалари, тижорат ташкилотлари, хонанда, актралар, машҳур шахслар ўз каналларини очган. Улар қаторида айрим нотаниш бўлган шахслар ҳам канал очиб, турли маълумотларни жойлаштирмоқда.

Айрим каналларнинг обуначилари сони **50-100 минг** атрофида. Мисол учун 2016 йил 12 октябрь ҳолатига кўра, "DUBSMASH.UZ" каналнинг обуначилари сони **100 000 мингдан**, "FAXRIM" каналнинг обуначилари сони **85 000** дан, "UzNewVideo" каналнинг обуначилари **70 000** дан, "EngQiziqarli TV" каналнинг обуначилари **66 000** дан, "MyTubeUZ", "Video.uz", "Millioner_Uz", "Uz_Music Bass" каналларининг обуначилари сони **50 000** дан кўп.

Ахборот тарқатиш имконияти, тезлиги, обуначилари сони жиҳатидан мессенджер каналлари республикамиздаги аксарият журнал ва газеталарга нисбатан солиштириб бўлмайдиган даражада устулликка эга. Мессенджер каналлари орқали маълумотлар 24 соат давомида келиб тушади. Те-



Telegram мессенджери:



янги имкониятлар, янги таҳдидлар

лефон доимо ёнимизда бўлганлиги сабабли маълумот билан таъминлашнинг қулайлиги унинг ўзига хослигини белгилайди.

Санаб ўтилган ҳолатлар амалда мессенджер каналлари расман ОАВ ҳисобланмаса-да, ОАВдан кўра катта таъсирга эга эканига шубҳа йўқ. Бироқ қонунчиликда ОАВ фаолияти ҳуқуқий тартибга солинган, мессенджер учун эса бундай деб бўлмайди.

"Хуррият" газетасининг 2016 йил 39-сониди келтирилган қуйидаги фикрларга эътиборингизни қаратмоқчиман: "Ҳеч қим ташқи кучлар томонидан ижтимоий тармоқлар, мессенджерлардан ўз мақсади йўлида фойдаланмайди, деб қафолат бера олмайдим. Шундай гуруҳлар, каналлар борки, унда асосан фахш фоторасмлар, видео лавҳалар жойлаштирилмоқда. Бу маънавияти, маданиятида қўср бўлган шахсларни ўзига жалб қилиш учундир. Айнан шундай тоифа кишилар ўзларига жавоб бера олмайдим. Кейинчалик бундай каналларда сиёсий мавзуга тааллуқли маълумотлар тарқатилиши ва гуруҳ аъзоларининг фикрини ўзгаришига, маълум бир йўналишга солишга ҳаракат қилиниши мумкин".

Мессенджерда тарқатилётган айрим маълумотлар Ўзбекистон Республикаси "Ахборот эркинлиги" принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган шахсининг, жамиятнинг, давлатнинг ахборот борасидаги ҳафсизлиги талабларига мутлақо зиддир.

Ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатадики, айрим каналларда қонунчилигимиз, маънавиятимиз, ахлоқимизга қарши материаллар, жумладан, порнографик материаллар жойлаштирилмоқда.

Мессенджер шу пайтга қадар кенг оммага тарқатиш мумкин бўлмаган барча турдаги ижтимоий нормаларга зид бўлган "ҳикоялар"ни тарқатиш учун ҳам "ахборот майдони" сифатида шаклланиб улгурди.

Мисол учун, "EngQiziqarli TV" каналида (12.10.2016 й.) жойлаштирилган ҳикоялардан бири "Hammaga salom Man ismim Diyora..." деб номланиб, унда ёш аёлнинг қурбдоши билан бўлган ҳаёсизлик ҳолатлари ҳикоя қилинган.

"KamYob Fotolar TV" каналида жойлаштирилган "Akamni xotini kenayim bilan", ёки "Ammat bilan...", ёки яна бир каналдаги "Boshlig'im bilan ishonada" номили ҳикояда шахоний муносабатлар баён қилинган.

Мазкур мазмундаги бошқа материаллар нафақат канал обуначилари сонини кўпайтиришга, балки ижтимоий онга, маънавия-

тимизга қарши қаратилган. Келтирилган ҳикоялар таъзамирида биз учун муқаддас ҳисобланган қадриятлар, фазилатларни, одоб-ахлоқ, қариндошлик алоқаларида, оила муҳитида ўзини тутиш қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоийш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намоийш этиш учун жавобгарлик белгиланган. Бундай қилмишлар маъмурий жазо қўлланганидан сўнг содир этилган таъдирда Жиноят кодексининг 130 ва 130¹-моддаларида жиноий жавобгарлик ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига кўра, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик қояларидан ҳимоя қилишдир.

Мессенджердан террорчи ташкилотлар алоқа, тарғибот воситаси сифатида фойдаланилганлиги ҳолатлари маълум. Интернетда келтирилган маълумотларга кўра, Бельгия ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари вакиллари террорчилар томонидан ёшларга асосан мессенджердан фойдаланиб

таъсир этаётганлигини кўрсатишган. The Wall Street Journal нашрининг жорий йил 20 октябрдаги сонидида чоп этилган Сейс Мейхтри ва Сэм Шехнернинг макроласида террорчилар Францияда содир этилган ва режалаштирилган террорчилик ҳаракатларида ҳам ушбу воситадан фойдалангани баён қилинган.

Мессенджер дастури асосчиси Павел Дуров ўз твиттердаги террорчиларнинг 660 дан ортиқ каналлари ёпилганини ва маълумотлар келиб тушганда кунига 5-10 та каналлар ёпилаётганини таъкидлаган.

Бугун ҳеч қимга сир эмас айрим хорижий махсус кучлар томонидан ўзга мамлакатларда амалга оширилган давлат тўнта-ришларида ("араб баҳори", "рангли инқилоблар" ва бошқалар) замонавий ахборот технологияларидан, жумладан, интернет, турли ижтимоий тармоқлар (фейсбук, твиттер), мобил алоқа-дан самарали фойдаланилган. Мамлакатимизга нисбатан салбий таъсир кўрсатиш ниятида бўлган кучлар ўз гараз мақсадлари йўлида мессенджер имкониятларини ҳисобга олиши мумкин. Мисол учун, обуначилари кўп бўлган мубайн бир каналда сиёсий масалаларга оид материаллар тарқатилла бориб, кейинчалик уларни маълум бир жойга ййишга чорлаш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керак-

ки, республикамиздаги айрим давлат органлари хизматчилари томонидан иш фаолиятида мессенджердан фойдаланмоқда. Албатта, бундан мақсад иш сурьатларини ошириш. Бироқ айрим турдаги маълумотларни мессенджер орқали жўнатиш хавотирлидир. Баъзи хорижий мамлакатлар махсус кучлари томонидан фуқароларнинг мессенджердаги аккаунтига махфий тарзда кира олганлик ҳолатлари мавжудлиги бу йўналишда маълум қоидаларни ишлаб чиқишнинг тақозо қилади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, мессенджердан, жумладан, очилган айрим каналлардан фойдаланишнинг ахлоққа зид мақсадларда фойдаланилмоқда. Айрим мавзуларда тарқатилётган материаллар жамият маънавий-мафкуравий асосларини емиришга қаратилган.

Иккинчидан, мессенджернинг республикамиз ҳудудида ахборот воситаси сифатида мавқеи кучайиб бормоқда;

Учинчидан, террорчилар томонидан республикамизга нисбатан душманлик ҳаракатини амалга оширишда, жумладан, тарғибот қилиш, одам ёллашда мессенджердан фойдаланиши эҳтимоли истисно этилмайди;

Тўртинчидан, мессенджердан хорижий кучлар томонидан сиёсий мақсадларда, жумладан, иж-

тимоий онга салбий таъсир қилиш, ҳатто сайловларга таъсир қилишда ишлатиш эҳтимоли йўқ эмас;

Бешинчидан, мессенджер ва унга ўхшаш ахборот воситаларини назорат қилиш стратегик вази-фа сифатида қаралиши ва бунинг учун тегишли ҳуқуқий асослар, инфратузилма шакллантири-лиши ва доимий тарзда тақомил-лаштирилиши зарур.

Мессенджер ва бошқа шунга ўхшаш ахборот дастурларидан фойдаланишнинг, ахлоққа зид мақсадларда фойдаланишнинг олдин олиш мақсадида давлат органлари томонидан комплекс чоралар қўрилиши лозим. Бу дастурда, жумладан, қуйидагиларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ:

1. Масалага оид қонунчилик базасини хатловдан ўтказиш, таҳлил қилиш ва тақомиллаштириш бўйича тақлиф қилиниши. Хусусан, барча турдаги мессенджерларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этилиши масаласини кўриб чиқиш.

2. Мессенджер орқали порнографик ва бошқа қонунга зид материаллар тарқатган, жумладан, канал очиб тарқатган шахсларни қатъий жавобгарликка тортиш масаласида барча чораларни кўриш.

3. Мессенджердан фойдаланишнинг, ахлоққа зид мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга йўналтирилган кенг қўламли тарғибот ишларини амалга ошириш. Жумладан:

мессенджердан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган махсус ҳужжатли фильм, видеороликлар ишлаб чиқиш ва уларни барча марказий телеканалларда бериш;

олий ўқув юртлари, ўрта-махсус, касб-хунар таълим муассасалари, мактабларда махсус йй-ғилишлар ўтказиш, мессенджердан салбий мақсадларда фойдаланишга мойил бўлган талабалар, ўқувчилар билан профилактик сўхбатлар ўтказиш.

4. Давлат хизматчилари томонидан мессенджердан хизмат фаолиятида фойдаланиш бўйича маълум талабларни ўрнатиш.

5. Мессенджердан фойдаланишнинг, ахлоққа зид мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни республикамизга фаол жорий этиш зарурдир.

Худойр МЕЛИЕВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

Талаба талқини

Жамоатчилик назорати

демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шарти

ЖАМОАТЧИЛИК назорати субъектлари рўйхатида қимлар ёки қандай жамоалар кириши мумкин? Шунини таъкидлаш лозимки, энг аввало, фуқаролар мазкур рўйхатда энг биринчилардан бўлиб тилга олинди. Гарчи жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари бу ўринда алоҳида оҳамият касб этса-да, уларнинг фаолияти ҳам фуқаролар томонидан амалга оширилади. Демак, бу борада фуқароларда мосъулият ҳиссининг орттиши, жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фикр билдириш орқали ижтимоий воқеликларда иштирок этиши жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсадга эри-шишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Жамоатчилик назорати, аввало, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши, озиқ-овқат шохобчалари фаолияти, тиббий ва таълим муассасалари фаолияти, меҳнат ва бандлик масалалари, ижтимоий таъминот, пенитенциар муассасаларда маҳкумларнинг маъна-

вияш шарт-шароитлари, маҳалларда қонунларнинг ижро этилиши каби масалаларга қаратилиши мумкин.

Жамоатчилик назоратининг ҳар томонлама самарали амалга оширилиши давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ушбу ҳамкорликнинг шакллари ва тартиби аниқ қонун билан белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИХТТ) давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг учта йўналишини белгилаб берди. Булар: хабардор қилиш, маслаҳатлашув ва фаол иштирок этишдир.

Хабардор қилиш — бу шундай усулки, унинг ёрдамида ҳукумат фуқаролик жамиятини ўз ташаббусига кўра хабардор қилади ёхуд фуқаролик жамияти иштирокиларининг талабига кўра ахборотни ундан ҳамма фойдалана оладиган қилиб қўяди. Расмий журналлар ва газеталар, ҳукумат интернет-сайтлари, фуқаролар ва ташкилотларнинг давлат ҳужжатларидан эркин фойдалана олишини таъминлаш кабилар бунга мисол бўла олади.

Маслаҳатлашув — бу шундай усулки, унинг ёрдамида ҳукумат фуқаролардан давлат сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан ёки қонун ҳуждорлиги масалалари юзасидан шарҳлар сўрайди ва олади. Бунга мисол тариқасида қонун лойиҳаларига доир шарҳларни ёки жамоатчилик фикри сўровини ўтказишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Фаол (бевосита) иштирок этиш — бу шундай усулки, ундан фойдаланганда фуқаролар давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида, масалан, қонун лойиҳасини тақлиф этиш орқали иштирок этадилар. Ишчи гуруҳларнинг ва фуқаролар иштирокидаги бошқа кенгашлар ёки комиссияларнинг улар ишида иштирок этиш учун очиклиги фаол иштирок этишга мисол бўла олади.

Шу ўринда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини белгилаб бериш орқали жамоатчилик назоратининг кўзланган ижтимоий фойдали мақсадларига эришиладими, деган ҳақли савол вужудга келади. Мазкур фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда унинг ижобий самара

беришига умид қилиш буткул мантиқсизлик бўлар эди. Хорижий мамлакатлар тажрибасида нодавлат нотижорат ташкилотларига субсидия ажратиш орқали уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш анча оммалашган. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, жамоатчилик назоратини айнан давлат маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ёки уни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларига молиявий ресурслар ажратиш бу жамоат назоратининг ҳолис ва бетараф амалга оширилишига ўз салбий таъсирини ўтказди, деган фикрга олиб келмаслиги лозим. Бунинг сабаби шундаки, фуқаролик жамияти асослари ва демократик қадриятлар асосида қурилган давлат ўзининг маълум бир функцияларининг жамоатчилик томонидан ҳолис назорат қилиниши орқали амалга оширилишидан бевосита манфаатдордир. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий фикрнинг тартибга солиб туриш характери билелгилла беради.

Ситора САИДОВА,
ТДЮУ 2-босқич магистранти

Найранг

...КЕНЖА қизи бахтидан тинмади. Икки маротаба турмуш қилди-ю, ногиронлиги панд бериб ўшаб кета олмади. Ёши бир жойга бориб қолган ота ўзидан кейин қизининг кўз ёши оқмасин деб, пешона-тери билан қурган ҳовлисини васият қилиб берди. Отанинг юзидан ўта олмаган беш ўғил ўшанда қаршилик қилишмади. Ҳамма ўйин ота вафотидан кейин бошланди. Ўзига тўқ, топармон-тутармон ўғилларнинг нафси ҳақалак отиб, ҳовлидан улуш ундириш учун ногирон сингилга ҳужумга ўтишди. Ёз-ёз бошланди. Лекин ҳар сафар иш сингил фойдасига ҳал бўларди. Ётиб қолгунча отиб қол, деганларидек, акалар келишиб улуш олишнинг бошқа усулига ўтишди. Улар отамизнинг ҳовлисида бизнинг ҳам ҳақимиз бор, шу тўфайли биттаимизнинг фарзандимиз оиласи билан қўчиб келиб бир бўлагиди яшайди, деб туриб олишди. Бу ҳам етмаганидек, ҳовлига рўйхатга қўясан, деб талаб қўйишди. Юзхотир қилган сингил кўнгилчанлик қилиб жиянини онаси билан ўй дафтари-дан рўйхатдан ўтказди. Орадан кўп вақт ўтмай, ҳовлининг тенг ярмидан кўпига даъвогарлик қилиб, ўзининг жияни амакиларининг кўрсатмаси билан ногирон ҳола-сини судга берди.

Суд анча давом этди. Марҳум отанинг васият қилган ҳовли-жойи қонун бўйича ногирон ҳовлининг фойдасига ҳал бўлди. Акаларнинг бу гал ҳам найранг ўтмади.

Бу каби машмашаларни эшитиб баъзида хайрон қола-сан киши. Ахир дунёда меҳр-оқибат, ака-укачилик, жи-гаргўшалик деган гаплар бор. Наҳотки, бир қориндан талашиб тушган қариндошлар пасткашликдан тоймасалар. Мол-дунё топилади. Лекин инсон топилайди-ку! Бундан ташқари, халқимизда "Ота рози, худо рози", деган гап бор.

Гарчанд акалар инсонийлик қиёфаларини йўқотиб, ногирон сингилсидан ҳовли-жойини тортиб олишга қанчал-лик ҳаракат қилишмасин, бари бейфойда. Чунки қонун — қонунда. Ота тириклигида берилган васият хатини ҳеч қим буза олмади.

Давлат нотариал идоралари томонидан тасдиқлана-диган ҳар бир ҳужжат қонуний кучга эга. Чунки бирор бир ҳужжат тайёрлашдан олдин фуқароларга унинг бел-гиланган қонун-қоидалари обдан тушунтирилади. Шош-машошарликка йўл қўйилмаслиги учун маълум муддат-лар берилиши тушунтирилади. Шундай бўлса ҳам ай-рим кишилар бундан норози бўлиб ҳар томонга елиб-югуришади. Бироқ, минг афсуски, қонун олдида ҳеч қан-дай найранг ўтмайди.

Жамшид ҲОЛИҚОВ,
Каттақўрғон шаҳар 3-сон давлат
нотариал идораси нотариуси

Жамоатчилик назоратининг ҳар томонлама самарали амалга оширилиши давлат ва фуқаролик жамияти инсти-тутларининг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ушбу ҳамкорликнинг шакллари ва тартиби аниқ қонун билан белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
ок Ипак йўли кўчаси-1
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
но бўлими: 268-19-97

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Хизматлар лицензияланган.

Хужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади.
(Хужжатларни тақдим этишининг охириги санаси 2016 йил 7 декабрь)
Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.